# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 9 август, № 162 (8505) Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# «CENGIZ HOLDING» КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИЗНЕСИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ РЕЖАЛАРИНИ ТАҚДИМОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август куни Туркиянинг «Cengiz Holding» компанияси бошқаруви раиси Мехмет Женгиз бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**



Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, шу жумладан, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Туркиянинг етакчи кўп тармоқли холдинги иштирокида Ўзбекистонда иккита лойиҳа муваффақиятли якунланди — Тошкент ва Сирдарё вилоятларида умумий қуввати 460 мегаватли замонавий электростанциялар ишга туширилди.

Учрашув чоғида давлатимиз раҳбарига ушбу энергетика объектларининг кўрсаткичлари тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Бундан ташқари, Президентимиз Жиззах вилоятида қуввати 500 мегаватдан зиёд бўлган яна бир электр станция қурилишига старт берди.

«Cengiz Holding» компанияси томонидан умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд бўлган янги лойиҳаларни амалга ошириш режалари тақдимот қилинди.

Автомобиль йўллари ва туннелларни модернизация қилиш ва қуриш, геология-қидирув ишларини бажариш ва истиқболли фойдали қазилма конларини ўзлаштириш, энергетика инфратузилмасини давлат-хусусий шериклик шартларида бошқариш шундай лойиҳалар жумласидан.

Ўзбекистон етакчиси туркиялик инвестор иштирокидаги истиқболли лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва тўлиқ амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 6 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 22 июнда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар** – коррупциянинг кўринишлари учун, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун имконият яратадиган ҳуқуқий нормалар;

**норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга, аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган тадбирлар мажмуи;

**чеклист** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома.

**4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг асосий принциплари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

мустақиллик;

холислик;

коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг мажбурийлиги;

коррупцияга қарши экспертиза натижаларининг асосланганлиги;

очиқлик ва шаффофлик.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

## «ЧИМЁН» ХАЛҚАРО УМУММАВСУМИЙ КУРОРТИ ҚУРИЛИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг туризм салоҳиятини янада ошириш, инновацион туризм инфратузилмаларини яратиш ва уларга инвестицияларнинг жалб қилинишини ташкил этиш, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида “Чимён” халқаро умуммавсумий курортини қуриш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида 2021 йил 10 майда “Чимён” халқаро умуммавсумий курортини қуриш лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа)ни амалга ошириш учун Молиявий протокол ҳамда ушбу протокол бўйича 2022 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида 47,9 миллион евро миқдоридаги қарз маблағларини жалб қилиш юзасидан Амалга оширув келишуви имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган Амалга оширув келишувига белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

2. Лойиҳа доирасида “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ томонидан 20 миллион АҚШ доллари миқдорида тақдим этиладиган кредитнинг гаров таъминоти сифатида “Белдирсой-Чимён-Нанай” халқаро умуммавсумий курортини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича лойиҳа офиси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) томонидан сотиб олинадиган ускуналар белгилансин.

3. Лойиҳа ҳудуди чегарасигача ташқи муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектларини барпо этиш ишларини бажаришда:

“Ўзсувтаъминот” АЖнинг “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК — сув таъминоти ва оқова сув тармоқларини қуриш;

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ — электр энергияси билан таъминлаш;

Автомобиль йўллари қўмитаси — Лойиҳа ҳудудидаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлини қуриш (йўл бўйида ташқи ёритиш воситаларини ўрнатиш ҳамда ободонлаштиришни инобатга олган ҳолда), Лойиҳа доирасида 2 515 метр баландликдаги ўрта-станциясигача вақтинчалик йўл ўтказиш;

“Ўзбектелеком” АК — телекоммуникация тармоқларини тортиш ва ўрнатиш ишларини бажариш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

(Давоми 3-бетда).

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида**

# ОЛТИ ОЙЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ



*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмиталарининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари сарҳисобига бағишланган брифинг ўтказилди.*

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аграр ва сув хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини тараққий эттириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга устувор аҳамият қаратилди.

Қўмита қонун ижодкорлиги йўналишида 9 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Шундан 6 таси қабул қилинган бўлса, 1 таси иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрланмоқда ва 2 таси иккинчи ўқишда маъқулланиб, умумлашган қонун лойиҳаларига киритиш режалаштирилган.

Шунингдек, ўтган даврда қўмита аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 4 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди.

Шу билан бирга, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ҳамда ўрганишлар якунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида 16 та тадбир ўтказилди. Улардан 5 таси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга, 6 таси қонун ҳужжатларининг, 3 таси қонуности ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолатини ўрганишга, 2 таси Қонунчилик палатаси ва қўмиталари қарорларининг ижросини мониторинг қилишга тааллуқлидир.

➡3

# АДВОКАТУРА ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС СОҲАГА АЙЛАНАДИ

*Маълумки, сўнгги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, ушбу соҳада шаффофлик ҳамда самарадорликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, “Инсон қадри учун” тамойилига алоҳида эътибор қаратилаётир.*

## Мушоҳада

Ўз навбатида, янгиланишлар жараёнида қатор вазифалар юзага чиқиб келаётганини ҳам айтиш зарур. Масалан, адвокатурани замон талабига мос соҳага айлантириш долзарб масалалардан саналади.

Шу мақсадда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг ўрни ва аҳамиятини оширишга катта эътибор қаратиляпти. Буни Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегиясида ушбу соҳани ислоҳ этишга кенг урғу берилгани ва ўтган даврда салмоқли ишлар бажарилгани мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Шуларга мос равишда давлатимиз раҳбари томонидан муҳим вазифа ва масалалар белгилаб берилди. Давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизимини тўлиқ ишга тушириш, судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси биланмас, балки ҳимоячи фикри билан бирга қабул қилиниши, айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим йўлга қўйилиши, адвокатга жиноят иши қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарордан тўсқинликларсиз нусха олиш имконияти яратилиши сингари вазифалар ана шулар жумласидандир. Негаки, буларнинг муваффақиятли бажарилиши суд ва терговпроцессида адвокатнинг ролини янада оширишга замин яратиши кундай равшан ҳақиқат.

Бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ўлароқ кадрлар танқислиги ва адвокатлар фаолияти сифати масаласига жиддий эътибор берилаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

➡3

# ЖИНОЯТГА БИР КУН ҚОЛГАНДА...

*“Ўтган 6 ойда маҳаллаларда барвақт олдини олиш мумкин бўлган 12 мингга яқин жиноятлар содир этилган. 9 минг 500 га яқин маҳаллаларнинг 1 минг 500 тасида криминоген вазият бор...”*

*“Жиноят қилган шахсларнинг ҳар учинчисини ёшлар ташкил қилаётгани...”*

## Долзарб мавзу

Шу ва шунга ўхшаш бир қатор маълумотлар шу йилнинг 28 июль куни Фарғона шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида тилга олинди.

— Наҳотки?! — деб юборасиз беихтиёр. Афсуски, бу — аччиқ ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари томонидан йиғилишда ошкора тилга олинган кўнгилсиз ҳолатлар ҳар қандай юртдошимизни оғир мулоҳазаларга ундамай қолмади. Хусусан, вояга етмаган фарзандларимизнинг жиноят кўчасига кириши шу халқ, шу юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар қандай инсонни қаттиқ изтиробга солмоқда.

Ҳар қандай амал ниятдан бошланади. Эзгу амалга бошловчи эзгу ният бениҳоя гўзал, бениҳоя ҳаётбахш куч-қувват инъом этади инсонга. Минг афсуслар бўлсинки, эгри йўлга олиб борувчи ниятлар ҳам мавжуд. Бошқачароқ таъриф берадиган бўлсак, ҳар икки ҳолатда ҳам ният билан амал оралиғида муайян масофа вужудга келади. Назаримда, эзгу амалнинг ҳам, айниқса, эгри амалнинг ҳам “тақдири” ушбу масофада ҳал бўлади.

Алоҳида таъкидлашни истар эдим: ҳали тўла-тўкис вояга етмай, шахс сифатида мукаммал шаклланиб улгурмай туриб жиноят йўлига кирган йигит-қиз ҳам сизу бизнинг ватандошимиз, эҳтимол, миллатдошимиз, замондош фарзандимиз ҳисобланади. Нима учун у ҳаёт йўлининг бошланишида адашди? Сабаби қаерда? Оқибати нима бўлади? Нима қилмоқ керак?..

Бу каби саволлар ҳар қандай жамиятда вақти-вақти билан қалқиб чиқиб, катта ва равон йўлларда кўндаланг бўлиши янгилик эмас, аммо кўриладиган чоралар ҳамиша замон, аниқ ҳолат ва ҳаётий шарт-шароитлардан келиб чиқиши табиий.

➡4

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## 2-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар ҳамда уларнинг ваколатлари

### 5-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда адлия органлари деб юритилади);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқувчилари бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари (бундан буён матнда юридик хизматлар деб юритилади);

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари.

### 6-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қуйидаги ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади:

ўз ташаббусига кўра – ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан ўрганиш ва текширишлар натижалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланилиши чоғида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар факти аниқланган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига кўра.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қуйидаги ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади:

ўз ташаббусига кўра – ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шу жумладан жамоатчилик эътиборини тортган ва оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда турли муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига кўра.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун бошқа давлат органларининг вакилларини, шунингдек мустақил ва илмий экспертларни ҳамда ўзга ташкилотларнинг вакилларини шартномага асосан жалб этишга ҳақли.

### 7-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг адлия органлари томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларининг;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказиладиган буйруқлари ҳамда қарорларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари:

халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши қарорлари лойиҳаларининг;

вилоят, туман (шаҳар) ҳокими қарорлари лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

Адлия органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини қуйидагиларга асосан ўтказади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаларига;

ўз иш режаларига;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига;

жамоатчилик назорати субъектларининг таклифлари ва тавсияларига;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича амалга оширилган ҳуқуқий мониторинг натижаларига;

ўрганишлар жараёнида, шу жумладан бевосита жойларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотларга.

Адлия органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўз ташаббусига кўра ҳам ўтказиши мумкин.

Адлия органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун бошқа давлат органларининг вакилларини, шунингдек мустақил ва илмий экспертларни ҳамда ўзга ташкилотларнинг вакилларини шартномага асосан жалб этишга ҳақли.

### 8-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг юридик хизматлар томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси

Юридик хизматлар қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши экспертиза ўтказади:

ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини – улар кўриб чиқиш учун манфаатдор органларга киритилгунига қадар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни – улар давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилгунига қадар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини амалга ошириш доирасида;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаларига асосан.

Юридик хизматлар коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш чоғида тегишли давлат органининг ёки ташкилотининг бошқа таркибий бўлинмаларини жалб этишга, шунингдек мустақил ва илмий экспертларни ҳамда ўзга ташкилотларнинг вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш тўғрисидаги масалани қўйиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

### 9-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили иш режаларига мувофиқ ижроси ўз зиммасига юклатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳамда адлия органларига ушбу омилларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари жамоатчилик эътиборига етказилади.

### 10-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасида жамоатчиликнинг иштирок этиши

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказишга ҳақли бўлиб, ушбу экспертиза доирасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга доир таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасида иштирок этиш доирасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари давлат органлари ҳамда ташкилотлари томонидан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш жараёнида иштирок этиши мумкин.

Жамоатчилик томонидан тақдим этилган таклифлар ва тавсиялар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий равишда кўриб чиқилиши лозим.

## 3-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

### 11-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий омиллар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий омиллар жумласига қуйидагилар киради:

нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар;

ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар;

маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар;

назорат-текшириш фаолияти билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар.

### 12-модда. Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига қуйидагилар киради:

сўзларнинг нотўғри қўлланилиши;

ноаниқ ва асоссиз ҳаволаларнинг қўлланилиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги.

### 13-модда. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига қуйидагилар киради:

дискрецион ваколатларнинг кенглиги;

ваколатларнинг ноаниқлиги;

давлат органларининг бир-бирини такрорловчи ваколатлари ва вазифалари мавжудлиги;

давлат органи томонидан ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши;

вазифани ёки топшириқни бажариш учун ижрочида зарур бўлган ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;

ўз вақтида тартибга солинмаслик;

манфаатлар тўқнашуви;

афзалликларнинг асоссиз равишда белгиланиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш;

ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг номутаносиблиги.

### 14-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига қуйидагилар киради:

маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги;

белгиланган қоидалардаги истисноларнинг асоссиз равишда қўлланилиши;

ортиқча ва асоссиз талаблар белгиланиши;

вақт чегараларининг ноаниқлиги;

тўловлар миқдорларининг ноаниқлиги;

санкцияларнинг номутаносиблиги;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар сарфланишининг аниқ ва шаффоф тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги;

солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ҳамда ундириш тартиб-таомилларининг мураккаблиги ёки ноаниқлиги;

давлат корхоналари ҳамда ўз устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари билан боғлиқ масалалар бўйича аниқ ва шаффоф тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги;

ҳуқуқ ва имтиёзлар берувчи ҳамда маъмурий тартиб-таомилларни белгилайдиган танлов (аукцион) тартиб-таомилларидан бўйин товлаш имкониятини берувчи нормаларнинг мавжудлиги;

тадбирларни амалга ошириш усулларининг мураккаблиги ва уларни молиялаштириш манбаларининг ноаниқлиги.

### 15-модда. Назорат-текшириш фаолияти билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

Назорат-текшириш фаолияти билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига қуйидагилар киради:

текшириш ва тафтиш ўтказиш тартибининг мавжуд эмаслиги;

шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги;

шаффофликни ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар;

молиявий ва бошқа санкцияларни қўллаш ҳамда ундириш билан боғлиқ бўлган масалаларда аниқ ва шаффоф тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги;

давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилиш шакллари ва турларининг мавжуд эмаслиги.

## 4-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби

### 16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу Қонуннинг 11 – 15-моддаларида назарда тутилган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш мақсадида, ушбу Қонуннинг иловасига мувофиқ шаклдаги чеклистни тўлдириш орқали юридик хизматлар томонидан ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омил аниқланган тақдирда, қуйидаги ҳаракатлардан бири амалга оширилади:

аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилни бартараф этиш чораларини кўриш;

чеклистдаги «коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар» деган устуннинг тегишли қисмига «бор» деган белгини қўйиш, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилни ўз ичига олган ҳуқуқий нормани кўрсатиш, ушбу нормани бошқача тарзда баён этиш имкони мавжуд эмаслигини асослаб бериш, шунингдек коррупцияни келтириб чиқарувчи мазкур омил мавжудлиги сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи хавф-хатарларга йўл қўймаслик юзасидан кўрилган чора-тадбирларни баён этиш.

Агар лойиҳада коррупцияни келтириб чиқарувчи омил аниқланмаса, чеклистдаги «коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар» деган устуннинг тегишли қисмига «йўқ» деган белги қўйилади.

Чеклист тегишли давлат органи ёки ташкилоти биринчи раҳбарининг (алоҳида ҳолларда – унинг биринчи ўринбосарининг) имзоси билан расмийлаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш чоғида тўлдирилган чеклист идоравий келишиб олиш, жамоатчилик муҳокамаси ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, лойиҳани юқори турувчи органга ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) киритиш босқичларида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва адлия органлари ишлаб чиқувчи томонидан тақдим этилган чеклистни ўрганиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва адлия органларининг ўзи ишлаб чиқувчи бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғи мавжуд бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу модданинг биринчи – бешинчи қисмларига мувофиқ чеклистни тўлдириш йўли билан ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаларига кўра хулоса тузилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари ҳуқуқий экспертизани ўтказиш натижалари бўйича тузиладиган хулосада ҳам акс эттирилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланган тақдирда, хулосада уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ва чора-тадбирлар кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича фикр-мулоҳазалар мажбурий равишда кўриб чиқилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун киритилаётганда лойиҳага норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаларига кўра берилган барча хулосалар илова қилинади.

### 17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу Қонунда белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар томонидан амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу Қонуннинг 11 – 15-моддаларида назарда тутилган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, ушбу Қонун 16-моддасининг иккинчи – бешинчи қисмларида назарда тутилган тартибда, ушбу Қонуннинг иловасига мувофиқ шакл бўйича чеклистни тўлдириш орқали ўтказилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш ёки коррупцияни келтириб чиқарувчи хавф-хатарларга йўл қўймаслик юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади ва уларни бартараф этишга доир тегишли чоралар кўрилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва адлия органлари республика ижро этувчи ҳокимият органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва назорат қилувчи тузилмаларга бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритишга ҳақли.

### 18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тузилган хулоса

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тузилган хулосада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш асослари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реквизитлари;

коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги (тегишли хулоса асослантирилган ҳолда) маълумотлар;

аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга доир (уларни бартараф этиш чоралари кўрсатилган ҳолда) таклифлар ва тавсиялар.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тузилган хулосада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилган бўлса, ўша норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар (номи, қабул қилинган санаси, рақами, эълон қилинган расмий манбаси, топшириқ баён этилган тегишли моддаси ёки банди (кичик банди, хатбошиси), шунингдек юқори турувчи органнинг топшириқлари тўғрисидаги маълумотлар (органнинг номи, топшириқнинг (топшириқ мавжуд бўлганда) рақами ва санаси, зарур бўлган тақдирда, топшириқ берган мансабдор шахс);

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси асосий қоидалари моҳияти ва аҳамиятининг қисқача баёни, бу қоидаларнинг ҳуқуқий табиати тушунтирилган ҳолда;

коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар (тегишли хулоса асослантирилган ҳолда);

аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга доир (уларни бартараф этиш чоралари кўрсатилган ҳолда) таклифлар ва тавсиялар.

### 19-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органи ёки ташкилоти масъул ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органининг ёки ташкилотининг масъул ходими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг предметига тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан қонунчиликда белгиланган тартибда танишиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ҳамда маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олиш ташаббуси билан чиқиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органининг ёки ташкилотининг масъул ходими қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органининг ёки ташкилотининг масъул ходими:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган талабларига риоя этиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш чоғида ўзини ўзи рад қилиш учун асослар мавжуд бўлганда бу ҳақда ўз раҳбарини зудлик билан хабардор қилиши;

тақдим этилган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органи ёки ташкилотининг масъул ходими зиммасига қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

### 20-модда. Ҳуқуқий экспертиза доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ҳамда адлия органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш чоғида ушбу Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ мазкур ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертиза муддати ичида ўтказилади.

Коррупцияга қарши экспертиза натижаларига кўра ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ хулоса тузилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари ҳуқуқий экспертизани ўтказиш натижалари бўйича тузиладиган хулосада ҳам акс эттирилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тузилган хулоса ишлаб чиқувчи томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши керак.

Вазирликлар ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган буйруқлари ҳамда қарорларининг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу моддага мувофиқ уларнинг ҳуқуқий экспертизаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилади.

### 21-модда. Жамоатчилик эътиборини тортган ва оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда турли муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги жамоатчилик эътиборини тортган ва оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда турли муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлган, муҳокама қилиш давомида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар мавжудлиги тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини тайинлашга ҳақли.

### 22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг мустақил ва илмий экспертлар томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси

Давлат органлари ва ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун мустақил ва илмий экспертларни шартномага асосан жалб этишга ҳақли.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестрига киритилган илмий ташкилотларнинг ҳамда олий таълим ташкилотларининг вакиллари ва бошқа жисмоний шахслар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи мустақил ва илмий экспертлардир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг мустақил ва илмий экспертлар томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси натижаларига кўра хулоса берилади. Мазкур хулоса тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий равишда кўриб чиқилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотлари мустақил ва илмий экспертлар томонидан тақдим этилган хулосани кўриб чиқиш натижалари бўйича маълумотнома тузиб, кейинчалик уни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун мустақил ва илмий экспертларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳамда Адлия вазирлигига юборади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**23-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестри**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестри Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юритилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ҳамда юритишга, шунингдек коррупцияга қарши мустақил ва илмий экспертизани ўтказувчи шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишга оид фаолиятни услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мониторинг қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказилиши чоғида уларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда услубий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда адлия органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

**25-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–419-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда) **24-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ўтказилади»;

2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–682-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда) **29-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ўтказилади».

**26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**27-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**28-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**29-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 8 август
№ ЎРҚ—860

*«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг иловаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасида эълон қилинади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# «ЧИМЁН» ХАЛҚАРО УМУММАВСУМИЙ КУРОРТИ ҚУРИЛИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буюртмачи этиб белгиланган ташкилотлар **икки ой муддатда** лойиҳа ташкилотларини ўрнатилган тартибда ўтказиладиган танлов (тендер) савдолари орқали аниқлаб, улар томонидан лойиҳалаштириш ишларининг бошланишини таъминласин.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ, “Ўзбектелеком” АК Лойиҳа ҳудуди чегарасигача ташқи муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича амалга ошириладиган қурилиш-муҳандислик ишларининг 2024 йил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини, шунингдек, мазкур дастур доирасида ҳудудларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан олинадиган товарларга божхона божидан озод этиш тарзидаги тариф имтиёзлари берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ҳосил бўладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси тезлаштирилган тартибда қоплансин (қайтариб берилсин).

6. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Лойиҳа офиси билан тузилган шартномалар доирасида транспорт ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кириш йиғимларидан ва Ўзбекистон Республикасининг умумфойдаланиладиган автомобиль йўлларида оғир юкли ва йирик габаритли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун тўловлардан озод этилсин.

7. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Лойиҳа офиси, бош пудратчи ва лойиҳа ташкилотларига Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган товарлар, жиҳозлар ва ускуналарни “божхона омбори” божхона режимига расмийлаштирган ҳолда пудратчи ташкилотларнинг омборларига жойлаштиришга рухсат берилсин.

8. Лойиҳани амалга ошириш доирасида **2024 йил 31 декабрга қадар**:

Лойиҳа офисига, истисно тариқасида, муҳандислик-коммуникация ва инфратузилма объектларидан ташқари қисми учун қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда (параллель лойиҳалаштирган ҳолда) бажаришга рухсат берилсин;

жалб қилинган пудратчи ташкилот, шунингдек, Франция компанияларининг Консорциуми аъзоси бўлган “Patriarche” компанияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳалаштириш фаолиятини амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари, ташкилотлари, жамиятлари ва бирлашмалари томонидан берилган рухсат берувчи ҳужжатлар (лицензиялар)га асосан амалга ошириши инобатга олинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сон қарорига 2-иловадан 592 ва 606-позициялар чиқариб ташлансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А.Абдухакимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 8 август

# АДВОКАТУРА ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС СОҲАГА АЙЛАНАДИ

1 Хусусан, 2020 йилдаги Президент ҳузурида ўтказилган одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этишни бекор қилиш, талабаликдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини ўрнатиш ҳамда олий ўқув юртларида “адвокатлик фаолияти” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилган эди.

Айтиш жоизки, ўтган даврда адвокатура институти ҳамда адвокатлар мустақиллигини таъминлашга, суд ишини юритишнинг барча босқичида тарафлар тортишуви принципи асосида ишларни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди, муҳими, адвокатлар ўз професcионал фаолиятини олиб бориши учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

Аммо бугунги тезкор замонда шуларнинг ўзи билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Яъни давр олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, бугун адвокат мақомига эга бўлишни ва адвокатурага ишга қабул қилиш тартиб-таомилини янада соддалаштириш ҳамда фаолият учун махсус лицензияни олиш тартибини енгиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу ўринда айрим қиёсий рақамларни келтириб ўтмоқчимиз. Эътибор беринг, бугун юртимизда умумий ҳисобда 7,6 минг аҳолига атиги 1 нафар адвокат тўғри келади. Халқаро стандартларга кўра бу кўрсаткич жуда ёмон ҳисобланади. Гап шундаки, Исроилда ҳар 136 кишига, Италияда 265 аҳолига, Германияда 499 одамга 1 нафар адвокат тўғри келади. Ҳатто яқин қўшниларимизда ҳам бу борадаги вазият биздагидан анча яхши.

Куни кеча ўтган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг $3^{1}$-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун айнан шу масаланинг ҳуқуқий ечими сифатида ишлаб чиқилган. Унга кўра, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир лицензияни олиш учун имтиҳон топширишга талабгор шахснинг юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши тўғрисидаги талаб бекор қилинмоқда. Яъни энди олий таълим муассасасини тугатган ёш юристлар ҳам адвокатура тизимида фаолият кўрсатиш имконига эга бўлади.

Мазкур қонун адвокатура соҳасининг жозибадорлигини оширишга, Ўзбекистонда ҳуқуқ ҳимоячилари, адвокатлар сонини кўпайтириш билан бирга, олий ўқув юртини тамомлаган ёш кадрларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, “Инсон қадри учун” тамойилига уйғун бу янгиланишлар Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофдаги нормаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қимматини ҳимоя қилишда қўл келади.

Умуман, охирги йилларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шу жумладан, сўз юритилаётган қонун адвокатура институти жозибадорлигини ошириш, унга ёш кадрларни жалб этиш, аҳоли ўртасида адвокатларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш ва одамларнинг сифатли ҳуқуқий ёрдам олишига ҳамда одил судловни таъминлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ОЛТИ ОЙЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

1 Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларга ечим топишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, қўмита номига келиб тушган жами 156 та мурожаатнинг салмоқли қисми ҳал этилишига эришилди.

* * *

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан ўтган даврда халқаро тажрибадан унумли фойдаланган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга, шунингдек, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муҳим масалалари устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишга катта эътибор қаратилди.

Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида қўмита қонун ижодкорлиги йўналишида 5 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлиб, лойиҳаларнинг 4 таси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш учун юборилди. Улардан 1 таси учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда.

Қўмита аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган 1 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Шунингдек, ўтган даврда қайта тикланувчи энергия тизими янада ривожлантирилишини таъминлаш, ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилишга қаратилган 2 та яхлит, 2 та қонунчиликка ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари устида иш олиб борилди.

Ҳисобот даврида қўмита томонидан аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, сайловчилар билан тизимли иш олиб бориш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг қабуллари ҳам ўтказилди. Жумладан, қўмита аъзоларининг турли масалалар юзасидан 339 нафар жисмоний ва юридик шахс вакилларининг қабули ташкил этилди. Фуқаролар томонидан кўтарилган 127 та мурожаатнинг салмоқли қисми депутатлар саъй-ҳаракати билан ечим топди.

* * *

Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги йўналишида 3 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Шундан 2 таси қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилди ва 1 таси қонунчилик ташаббуси субъектининг сўровига асосан қайтарилди.

Ўтган даврда қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида 7 та тадбир ўтказилди. Улардан 2 таси қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишга, 5 таси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга тааллуқлидир.

Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга эътибор қаратилиб, қўмита номига келиб тушган жами 94 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилган ҳолда, улардан 53 тасига ижобий ечим топилди.

Шунингдек, қўмита томонидан аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, сайловчилар билан тизимли иш олиб бориш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг қабуллари ўтказилди.

Жумладан, ўтган даврда қўмита аъзоларининг турли масалалар юзасидан 162 нафар жисмоний ва юридик шахс вакилларининг қабули ташкил этилди. Улар томонидан 148 та масала кўтарилган бўлиб, шундан 119 таси депутатлар саъй-ҳаракатлари натижасида ўз ечимини топди. 43 таси кўриб чиқилиши учун тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юборилди.

**«Халқ сўзи».**

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – КУЧЛИ ЖАМИЯТ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда “Сифатли таълим — кучли жамият” шиори остида “Иккинчи устозлар форуми” бошланди.*

## Форум

Форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Одил Абдураҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умарова иштирок этди.

Форумда қайд этилганидек, кейинги йилларда юртимизда 285 та янги мактаб барпо этилди. Ўқув даргоҳларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, қайтадан барпо этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Соҳада олий маълумотли кадрлар сони сезиларли даражада ортди. Ўқитувчилар учун қўшимча устамалар жорий этиш, моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар кўлами тобора кенгайди. Янгиланган Конституциямизда ўқитувчиларнинг шаънини ҳимоялашга эътибор тобора кучайди.

Шу билан бирга, ҳали соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Айни пайтда янги ўқув йилида мактаб таълимида бир қатор янгиланишлар жорий этилишига эътибор қаратилди.

Соҳа ривожи шахсан Президентимиз Шавкат Мирзиёев эътибори ва ғамхўрлиги остида экани таълим ривожига катта туртки бераётгани таъкидланди. Жорий йилнинг фақатгина олти ойи давомида ўқувчиларимиз Халқаро олимпиадаларда умумий ҳисобда олтмишдан ортиқ олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритгани айни эътиборнинг натижасидир. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини муттасил ошириб бориш, Президент мактабларидаги илғор иш тажрибаларни жойларда кенг ёйиш, ўқувчиларнинг касбий малакаларни эгаллашига кўмаклашиш, жойларда малака ошириш марказларини ташкил этиш каби масалалар шулар жумласидандир.

ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Сара Ношади Ўзбекистоннинг ўқитувчилик касбининг нуфузини юксалтириш борасидаги эзгу ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларини ЮНЕСКО қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Тантанали форумда таълим соҳасида ибрат бўлаётган маҳоратли педагоглар форум ташкилотчилари томонидан тақдирланди.

— Бугун Президент мактабларидаги ижобий иш тажрибаларини жойларда оммалаштириш муҳим аҳамият касб этади, — деди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилшода Норбоева. — Шу билан бирга, бугун долзарб масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилади.

Икки кунлик форум давомида вазирлик вакиллари, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги, Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази, Республика таълим марказининг малакали мутахассислари ҳамда Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактабларнинг тренер-ўқитувчилари томонидан тақдимотлар, тренинглар, маҳорат дарслари олиб борилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖИНОЯТГА БИР КУН ҚОЛГАНДА...

Ҳар қандай жиноят ўзига муносиб катта-кичик тарихи билан "дунё"га келади ва у ихчамгина ёхуд қават-қават йиғма жилдларга жо бўлади. Ва аксарият ҳолатларда ушбу тарих бевосита жиноий ҳаракатлар тавсифидан бошланади. Яъни фалон куни, фалон соатда пистон-пистончилардан иборат жиноий гуруҳ...

Тўхтанг! Мана шу ўринда эътироз туғилади. Ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан бундай ёндашув тўғри ҳисобланиши мумкин, бироқ фикримизча, жиноят сари дастлабки қадам бирмунча илгари қўйилганлиги муқаррар.

Жиноий ният қачон, қаерда, қай ҳолатда туғилди? Дастлабки эгри қадамни пайқаш, аниқлаш мазкур саволлар жавобида яширинган бўлади. Сўзимизнинг аввалида тилга олинган масофа шу ерда бошланади. Жиноий ният билан унинг амалга ошиши орасидаги масофанинг узоқ-яқинлиги турлича бўлади.

Гап ана шу масофада кетиб бораётган "йўловчи"ларни аниқлаш, мақсадларининг охири вой эканлигини уқдира билиш, ҳушёрликка ундашда! Таъбир жоиз бўлса, жиноятга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш имконияти айни шу ўринда ниҳоятда катта.

Уюшган ҳолда бирор номаъқул ишга қўл уриш муайян тайёргарлик босқичидан ўтади. Ана шу тайёргарлик босқичида (қанча вақт давом этишидан қатъи назар), айниқса, вояга етмаган ёшларда жиддий руҳий эврилиш жараёнлари кузатилади. Чунки махфий равишда пишиб етилаётган хатти-ҳаракат жиноятга бориб тақалиши, унинг оқибати жазога уланиши эҳтимоли юқорилиги йигитдир-қиздир, ўйлатади, бу ўйлаш-мулоҳаза юритиш иккиланишга олиб келади. Айни шу ўринда бир хайрихоҳ одамнинг икки оғиз танбеҳи, ундови ёки жиддий огоҳлантириши юз бериши эҳтимоли юқори жиноятнинг йўлини тўсишига ҳеч гап эмас.

Дейлик, тил бириктирилган жиноятга қадар уч кун қолгандаги психологик ҳолат билан жиноят содир этилишига бир кун қолгандаги руҳий-ҳиссий ҳолат орасида сезиларли фарқ бўлмай иложи йўқ. Мисол учун, қаердадир, қандайдир тўда таъсирига тушган ўсмирнинг қадам олиши ўзгаради: у одатдагидан кўра ўзига эътиборлироқ (ёки эътиборсиз) бўлади, хаёлчан юради, диққатини жамлолмайди, оила даврасидаги одатдаги суҳбатлардан ўзини тортади (ёки одатдагидан кўра кўп гапиради), жиззакилашади, уйга кеч қайтади, қаерда юрганлигини турли баҳоналар билан айтмайди (ёки чалғитади), оила аъзоларининг, ҳатто ота-онасининг кўзига бемалол, хотиржам қаролмайди — нигоҳини олиб қочади... Ўзидаги бу каби тўлғонишларни яширолмаган аламини ичкилик ёки гиёҳвандлик моддаларидан ола бошлайди.



**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси.**

Шунга ўхшаш белгилар оила аъзоларининг, айниқса, ота-онанинг эътиборидан четда қолиши деярли мумкин эмас. Эътибор, ҳушёрлик бўлса, бас!

**Кундуз НИЁЗОВА, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, "Чимбой" МФЙ раисининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари:**

*— Оила даврасидаги дастурхон теварагида ҳар бир оила аъзосидаги ўзгаришни пайқаш қийин эмас. Ҳар кимнинг кайфияти, иштаҳаси, суҳбатлашишга мойиллиги, яъни муҳими, хотиржамлиги кўзга яққол ташланади. Кўнглида қандайдир иллати бўлган, яъни жиноятга қўл уришга тадорик кўриб турган йигит ёки қизда мана шунга ўхшаш ўзгаришлар кузатилиши ҳаётда кўп учрайди.*

Вояга етмаган фарзандларимиз орасида босқинчилик, ўғрилик, талончилик, пичоқбозлик ва ҳоказо жиноятларнинг ҳали кўзга кўринмас илк шарпалари мактабда синфдошлар, ўқитувчи-устозлар, синф раҳбарлари эътиборига тушмай иложи йўқ. Ахир оила ва мактаб даврасидаги ўзаро ҳушёрлик ва вақтида чора кўришлик ортидан жиноят йўлининг тўсилиши биздаги миллий турмуш тарзимиз учун мутлақо табиий ва нисбатан осондир.

Шу мулоҳаза маҳалла ҳаётига янада мос келади. Тўғри, битта маҳаллада, дейлик, 1,5-2 минг нафаргача вояга етмаган ёшлар яшайди. Уларнинг барини қадамбақадам назорат остига олиш эҳтиёжи ҳам йўқ. Зеро, минг қатла шукрки, ёшларимиз орасида соғлом фикрловчи, олий мақсадлар йўлида изланувчи, интилувчи инсон сифатида вояга етишни кўзлайдиганлар кўпчиликни ташкил этади. Аммо...

**Орифхон МАМАДАЛИЕВ, "Чимбой" МФЙ профилактика катта инспектори, подполковник:**

*— Маҳалла аҳолиси орасида доимий диққат марказида туриши зарур бўлган ёшлар учрайди. Дейлик, бундайлар 10 — 15 нафардан ошмаган тақдирда ҳам уларга атрофлича кўз-қулоқ бўлишга тўғри келади. Кунни, тунни қандай ўтказяпти, ҳамтовоқлари кимлар, ишлаяптими, ўқияптими — қисқача айтганда, оёқ олиши қандай? Нима учун уйга ҳар куни ярим тунда қайтади? Бу вақтда қаерда, нима билан машғул? Нима сабабдан кечаси уйқуга ётганча пешинга довур ёстиқдан бош кўтармайди? Фавқулодда қайсарлик, жиззакиликнинг боиси нимада?*

*Вақти-вақти билан уларнинг ота-онасига учрашиш, улар билан алоқада бўлиш, бамаслаҳат иш юритиш зарур. Маҳалла ва оила ўртасидаги ҳамкорлик мана шу борада самара беради — фавқулодда жиноятларнинг олди олинади. Эрта ё индин бирор эгри ишга қўл уришга чоғланган хоҳ йигит, хоҳ қиз боланинг юриш-туриши беихтиёр ўзгаради. Айниқса, нигоҳ-назари бежолашиб, кўз қарашлари кўп махфий сир-синоатларни "фош" қилади. Хуллас, бу ишда майда ё арзимас нарсанинг ўзи йўқ.*

Эгриликка қўл уриш мақсадида уюшган гуруҳ орасида "кўпни кўрган" етакчилар таъсири катта. Хусусан, ҳали бу йўл олдида эсанкираб, ўзини йўқотаётган ёшлар уларнинг таъсирига тушиши, уларга қарата ўзининг "Йўқ!" деган сўзини дадил айтолмаслик ҳолатлари учрайди. Худди шу босқичдаги, яъни ҳали манглайига "Жиноятчи" деган тамға урилмаган ёшларни асраб қолиш алоҳида профилактика ҳаракатларини тақозо этади. Бундай ёшлар ўзлари учун ҳаётий устозни жиноятга мойиллар орасидан эмас, ҳунарманд устозодалардан, катта ҳаётий тажрибага эга ёши улуғлардан танлашига эришиш муҳим. Устозини, унинг касб-корини ҳурмат қилган ёш асло қинғир ишга қўл урмайди.

**Баҳрулло ЮСУПОВ, "Чимбой" МФЙ ёшлар етакчиси:**

*— Ёшлар ўртасида ҳамиша ё ошкора, ё пинҳона кураш кетади: юриш-туришда, кийинишда, ўқиш ҳамда касб танлашда ва ҳоказо. Бу табиий ҳол, лекин ана шу кураш баъзан кескин тус олади. Тенгдошларидан кескин ажралиб туришга интилиш, ёнверидагиларга беписандликнинг авж олиши, мисол тариқасида айтсак, муомаланинг дағаллашуви, чекиш, ичиш одатларининг пайдо бўлиши ҳам яқинлашиб келаётган тўфондан дарак беради. Ахлоқдаги тўфон эрта ё индин жиноят майдонидаги тўфонга айланиши жуда осон.*

Уй-рўзғор, томорқа меҳнатини ўзларига оғир олмайдиган ёки бирор жойда бинойидек ишлаб, маош олаётган ёшлардан кимдир тўсатдан меҳнатни ўзига ор деб била бошлайди, қўлига тегаётган меҳнат ҳақига қаноатланмай, тумшуғини жийиради. Бу ҳол бирдан содир бўлмайди, ҳали у биз назарда тутаётган масофанинг бошланишида, холос. Унинг қандайдир тасодифий, ҳавойи таъсирларга берилган бўлиш эҳтимоли катта. Яна ва яна соғлом муносабат, халоскор муносабатга бўлган эҳтиёж зарурияти ортади шу паллада. Зеро, кафти-бармоғи меҳнатдан қадоқ олган йигит ё қизни сафимизга қайтариш осон кўчади.

**Музроб ЮНУСОВ, "Чимбой" МФЙ раиси:**

*— Ҳадемай оила қуриш арафасидаги йигитлар қўлида кетмон, белкурак тутолмаса, оғир-роқ тошни кўтаришга билагида куч топмаса, қизларимиз идиш-товоқ юволмаса, энгил-бошни дазмоллай олмаса, бу қандай аҳвол?! Баъзан йигитларимиз бир йиллик ҳарбий хизматни ўташи шу борада яхши самара берармикан, деб ўйлаб қоламан. Чунки ҳарбий ҳаёт, биринчидан, ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамласа, иккинчидан, унинг меҳнатга бўлган муносабатини чиниқтиради.*

Жиноятчи хилма-хил, жиноят тури эса ундан-да кўп. Шунга яраша жиноятнинг олдини олиш, уни фош этиш, муайян жазога лойиқ кўриш тизими ҳам мунтазам янгиланиб бориши табиий. Баён этилган мулоҳазалар шояд ушбу янгиланишлар тўлқинида наф келтирса, деган умидда ўртага ташланди. Зеро...

...Жиноят юз беришига уч, икки, бир кун бор. Суҳбатдошларимиздан бири айтганидек, ҳали тўфон бошланганича йўқ, яъни ғанимат фурсатлар олдинда. Жиноятга олиб борувчи масофа адоғидаги саноқли қадамлар қўйилмаган экан, бизнинг, яъни жамият, халқ, Ватан ва келажак олдида ўз масъулиятларини ҳис этган фаоллар, фидойилар учун зийраклик, жонбозлик кўрсатишга имконият бор. Давлатимиз раҳбари айтганидек, ҳар бир янги кун — янги имкониятдир!

Излаган, истаган инсон учун эса имконият ҳеч қачон тугамайди.

## Конференция

# АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

*Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди хорижий мамлакатларда бўлимлар очиб, фаолиятини янада кенгайтирмоқда. Ташкилотнинг Қозоғистон Республикасидаги ана шундай бўлими бир неча йилдирки, қизғин иш олиб бормоқда. Яқинда Қирғиз Республикасида фонднинг халқаро бўлими очилди. Ҳозирги кунда Туркия, Россия, Швеция мамлакатларида ҳам ана шундай бўлимлар очиш бўйича изланиш ва музокаралар олиб борилмоқда.*



Қирғиз Республикасининг Ўш шаҳрида ўтказилган "Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция улуғ саркарда ҳамда унинг авлодлари ҳаёти, фаолияти, меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим тадбирлардан бири бўлди. Унда бир гуруҳ ўзбекистонлик, қозоғистонлик ва қирғизистонлик темуршунос олимлар қатнашди.

Дастлаб конференция доирасида фонднинг Қирғизистондаги бўлими тақдимоти бўлиб ўтди.

Таниқли тарихчи олимлар, ўқитувчилар, санъаткорлар ва бошқа зиёлилар жамланган анжуманни Қирғиз Республикаси Президентининг Ўш вилоятидаги мухтор вакили ўринбосари Эрнст Толтоев очар экан, Амир Темурдай жаҳоншумул сиймо тарихини ўрганиш ўзини зиёли билган ҳар бир инсон учун шараф эканини таъкидлади.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўз сўзида ташкилот томонидан Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига кўрилаётган тайёргарликлар, шунингдек, буюк Соҳибқирон ва темурийлар тарихини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар, нашр этилажак китоблар ҳақида маълумот берди.

Тадбирда "Темур тузуклари" асарининг тарихий-сиёсий манба сифатидаги аҳамияти, жаҳон адабиётида Амир Темур ҳақида битилган бадиий-тарихий романлар, Қирғизистонда Соҳибқирон бобомиз ва темурийларга боғлиқ тарихий жойлар ҳамда бошқа мавзулардаги ранг-баранг маърузалар катта қизиқиш билан тингланди. Савол-жавоблар анжуман қизғинлигини янада оширди.

Фонднинг Қирғизистондаги фаолларига ташкилотнинг кўкрак нишони ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Шундан сўнг иштирокчилар Амир Темур ва темурийлар билан боғлиқ қадамжолар — Ўшда Тахти Сулаймон, Ўзган, Жалолобод, Арслонбоб сингари кўҳна масканларни зиёрат этишди. Қуръондан тиловатлар қилинди.

Амир Темур ва темурийларга бағишланган халқаро илмий-амалий конференциянинг кўҳна Ўш шаҳрида ўтиши ўзбек ва қирғиз халқларини бир-бирига янада яқинлаштириш учун хизмат қилишига асло шубҳа йўқ.

**«Халқ сўзи».**

# ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ АСОСЛАРИ

*Донишмандлар айтганидек, "Энг катта бойлик, бу — ақл-заковат ва илм, энг катта мерос, бу — яхши тарбия, энг катта қашшоқлик, бу — билимсизлик". Шу боис замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Бугунги кун ёшлари аниқ мақсадлар сари олға одимлаяпти.*

## Фикр

Эътироф этиш жоиз, давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши билан ёшлар, хотин-қизларнинг илм олишга хоҳиши янада ортди. Бу эътибор ва суянч — мамлакатда олий таълим тизимини миллий тренд даражасига кўтарди. Энг муҳими, ҳар бир оиланинг боласи олий таълимдан баҳраманд ва эртасидан кўнгли тўқ.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислоҳотлари натижасида эндиликда ёшларни олий таълим билан қамров даражаси сезиларли ошди, талабалик бахтини ҳис этган ёшлар сони кўпайди.

Хўш, бунга қандай эришилди?

Давлат раҳбари ташаббускорлигида олий таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар, таълим сифатини кўтаришга қаратилган ўзгаришлар, мамлакатда биринчи маротаба давлат олий таълим муассасаларига молиявий ва академик мустақиллик берилиши, зиё аҳлининг, ўқитувчи шаъни, қадр-қиммати конституциявий даражага кўтарилганлиги, уларни мажбурий меҳнатдан озод қилиб, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаб, илм учун кенг ижодий муҳит яратилганлиги, буларнинг барчаси — бугуннинг айни ҳақиқати.

Бу ислоҳотлар натижаси Фарғона давлат университети фаолиятида ҳам яққол кўринади. Яқинда Испаниянинг "Webometrik", Австралиянинг "UniRank", Грузиянинг "RUR" каби нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари рўйхатида юқорилаб келаётган олийгоҳимиз куни кеча Буюк Британиянинг машҳур ва нуфузли "THE" (Times Higher Education) агентлиги рейтингидан



**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.**

14 индикатор бўйича юқори ўринга эга бўлди.

Профессор-ўқитувчилар учун яратилган эркин илмий-ижодий муҳит мамлакатда 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилганлигида ҳам ўз исботини топди. Бу орқали олийгоҳларда молиявий ва академик барқарорлик таъминланиб, мустақил равишда янгича, жаҳон стандартлари асосида ўқув режалари, инновацион дастурлар ишлаб чиқила бошланди. Зиё аҳлида илмий ёндашув буткул янгиланиб, илм тўлиқ ислоҳ этилди. Эндиликда барча соҳалар пойдевори мустаҳкам илмий асосга эга бўлди. Зеро, илмнинг ўзи ҳам концептуал асосга кўчирилди. Натижада самарадорлик ортиб, олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлиги кўрина бошлади ва илмнинг тижоратлашувига имкон яратилди.

Хусусан, магистратура босқичида тўлов-шартнома асосида таълим олаётган хотин-қизларнинг шартнома пули Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши — Ўзбекистон бўйлаб қанчадан-қанча аёлларимизга ёрдам бўлди, минглаб қизларимизнинг орзулари рўёбига йўл очилди.

Халқимизда бир ҳикматли гап бор: "Агар ўғлингни ўқитсанг, ўзингга яхшилик қилган бўласан. Агар қизингни ўқитсанг, миллатга яхшилик қилган бўласан". Демакки, бу янгилик орқали миллатга, келажак эгаларига эзгулик улашилди.

Олийгоҳлар ўқув жараёнига халқаро янги метод — кредит-модуль тизими жорий этилди ва ҳар бир талабанинг ўзини ўзи ижобий тарафга ўзгартириш, шахсий ривожлантиришга эришиш стратегияси амалга оширилмоқда. Яъни шахсни ўз изланишлари билан фаоллаштириш орқали сифатли таълимга эришиш йўли белгиланди. Бу аниқ стратегияга асосланган тизим орқали кўплаб коррупцион ҳолатлар йўқ қилинди.

Эътибор беринг: бундан олти йил аввал 10 мингтага ҳам етиб бормаган талаба-ёшлар бугун ФарДУда 32 мингдан ортди. Таълим сифатини ошириш — янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўли этиб белгиланиб, ҳар қандай муаммонинг олдини олиш биринчи даражали вазифага айланмоқда. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 16 июнда олий таълим тизимини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар фаолиятимиз "Йўл харитаси"ни белгилаб берди.

Бунда олий таълимга қамровни ошириш, кадрлар сифати, муассаса илмий салоҳияти, таълим тизимига инновацион методларни жорий этиш, замонавий, пухта билимга эга ёш мутахассисларни тайёрлаш каби муҳим масалалар қамраб олинди. Унда ўтган йилларда олиб борилган ислоҳотлар ўз натижасини беришига алоҳида аҳамият қаратилгани бежиз эмас. Зотан, олий таълимни халқаро мезонлар даражасида юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар олийгоҳлар раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларнинг ўз фаолиятига танқидий назар билан ёндашишга, давр масъулиятига мос фаолият кўрсатишга руҳлантирмоқда.

Бугунга келиб ислоҳ этилмаётган тизимнинг, эътибор қаратилмаган соҳанинг ўзи қолмади. Айниқса, ёшлар масаласи Президентимизнинг доимий диққат марказида. Азиз фарзандларимизнинг камоли, маънавий етук, жисмонан бақувват бўлиб улғайиши, истеъдоди ва интеллектуал салоҳияти юзага чиқиши, замонавий касб эгаси бўлиши учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган.



Президентимиз ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласига бот-бот тўхталиб ўтади. Мутасаддилар олдига янги талаблар қўяди ва ижросини назорат қилади. Чунки ҳозир ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёхуд халқнинг онгига, туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш, фикр қарамлиги, тафаккур қуллигини сингдириш хавфи билан ёнма-ён яшаяпмиз.

Демак, бизга бу йўлда қалқон ва қўрғон вазифасини ўтайдиган кучли маънавий иммунитет зарур. Шу орқали ўғил-қизларимизни ҳалол, виждонли, масъулиятли инсонлар этиб камолга етказамиз.

Давлатимиз раҳбари ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида "Барча раҳбарлар бир нарсани билиб олсин: эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар билан ишлаш — биз учун ҳаёт-мамот масаласи! Биз ёшларга бугунданоқ шароит қилиб бермасак, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича инқилобий ташаббусларни илгари сурмасак, Янги Ўзбекистонни қандай барпо қиламиз?" дея ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини яратиш бўйича амалий таклифларни илгари сурди.

Ўғил-қизларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш, бўш вақтини унумли ўтказишига кўмаклашиш, чет тилларни ва касб-ҳунар ўрганиши учун шароит яратиш юзасидан янги чора-тадбирлар белгилангани бежиз эмас. Бу ёшларимизни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш, жамият ва давлат ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, сифатли таълим олиши, ижтимоий ва тиббий хизматлардан фойдаланиши, уй-жойли, ишли бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишга доир нормалар киритилгани ниҳоятда катта воқеадир. Давлат бу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмоқда. Уларнинг ҳаётда тасдиғини топиши нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун ғоят муҳим.

Университетнинг бугунги фаолияти, олдига қўйилган режа ва мақсадлар ҳам янги Ўзбекистоннинг имкониятлари, янги авлод кадрларини тарбиялаш борасидаги принципларига уйғундир. Кафедраларда иқтидорли талабалар билан "Устоз — шогирд" тизими асосида олиб борилаётган намунали фаолият натижасида илм-фан билан шуғулланаётган ёшлар сафи кенгаймоқда.

Айниқса, иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизими, уларни тўғри селекциялаш, индивидуал тартибда фаолият олиб бориш қайтадан жонланди. Бунинг пировардида Фарғона давлат университетидан 18 нафар Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби, давлат ва номдор стипендиялар эгалари етишиб чиқди.

Шунингдек, инклюзив таълимга қаратилган эътибор кўплаб ёшларнинг яккаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун муҳим кафолат бўлмоқда.

Ёшларимизни иш билан таъминлаш борасида бугун ФарДУнинг сиртқи таълим шаклида ҳам ўқиб, ҳам ишлаб даромад топаётган талабалар сони 5 минг нафардан ошди. Бу ишчи-талабалар ўзимизда, ёнимизда ишламоқда. Аксарияти эса олийгоҳга ажратилган "Оқбилол", "Дўстлик" ўқув-тажриба агроучасткаларида ишлаб, чорвачилик, асаларичилик, гулчилик, анорчилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик етиштириш ҳамда биогумус тайёрлаш ишларини йўлга қўйган. Ҳудудий интеграция ишлари эса самарали давом этиб, маҳаллий корхоналар ва йирик агрокомпаниялар, вилоятдаги саноат марказлари, заводлар, фермер хўжаликлари, кластерларда ишлаб келаётган юзлаб талабалар ҳақиқий амалиётни кўряпти ва тажриба тўпламоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, олийгоҳимизда қўшимча равишда жами 1,5 мингдан ортиқ ёшларни ўз бағрига олувчи шинам ва замонавий талабалар туражойлари барпо қилинди ва яна янги қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Мамлакатнинг интеллектуал қиёфасини намоён қилаётган ёшларимиз эса олийгоҳни ўз уйидек қадрлашни ўрганди, билимга астойдил меҳр қўйди.

Барчамизга яхши аёнки, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, ушбу манбалар орқали электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотларда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг тегишли Фармони ижросини таъминлаш борасида Фарғона вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Фарғона давлат университетига 1 408 кВт.ли қуёш панеллари ўрнатилиши режалаштирилган бўлса, бугунги кунда 613 кВт.ли муқобил энергия манбалари ўрнатилди. Натижада жами 177 720 кВт электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу орқали олийгоҳнинг электр энергиясига тўлов бўйича 142 миллион сўмдан зиёдроқ маблағи иқтисод қилинди.

Бугун янги Уйғониш остонасида турибмиз. Сўнгги етти йилда мамлакат тарихининг янги саҳифалари битилди. Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун таълим соҳасидаги ўзгаришларда ҳам яққол намоён. Ва энг асосийси, бугунги ёшлар билимли, дунёқараши кенг, фаол фуқаролик позициясига эга ватанпарвар бўлиб камолга етса, янги Ўзбекистонни қуришда йўлчи юлдуз бўлади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулда босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6